

Саъдулла ҲАКИМ

## ОНА ТИЛИМ

Дўстга дўсту дугона тилим,
Бегонага бегона тилим,
Бешигимда ягона тилим,
Она тилим.

«...луғотит турк», «Қутадғу билик»,
Ўзбегимни ўстирган илик,
Одамийга одамгарчилик
Она тилим.

Қизларидек иффатли тилим,
Қардошига иззатли тилим,
Тилим, тилим ва яна тилим
Она тилим.

Улус тилим, элат, халқ тилим,
Давлат тили бўлса ҳақ тилим,
Навоийга зор, илҳақ тилим
Она тилим.

Ота бўлиб отланган тилим,
Она бўлиб шодланган тилим,
Бола бўлиб ёдланган тилим
Она тилим.

Бошимда бош бор экан борсан,
Кўзимда ёш бор экан борсан,
Токи қуёш бор экан борсан
Она тилим!

## ТАМОЙИЛ

Ровийлар рост айтмиш:
Чўп синмас бекор,
Ҳар бир тамойилга бор ўзга боис.
Доим зўравондан етади озор,
Исён кўтаради ҳамиша ожиз.

## АЛДАРКЎСА

— Алдаркўса, нега алдайсан?
— Алдамасам, яшай олмайман.
— Алдаркўса, нега ўлмайсан?
— Яшамасам, алдай олмайман!

## ФИҒОН

Осмонларни мен нолалар қилиб ўяй,
Еткурса гар муродимга оҳу нола.
Ўзимгами ё наслимга ўртаб куяй
Қолмаса гар изимда бир соғлом бола.
Ёзсанг, менинг дардимни ёз, шоир ука,
Гардунни қўй, мардумни ёз, шоир ука.

Афғон бориб афғон бўлиб келди болам,
Ростга кетиб, ёлғон бўлиб келди болам.
Алам, алам... Кимга алам? Менга алам...
Ёзсанг, алам чекканларни ёзгил, ука,
Қирчинида чўкканларни ёзгил, ука.

Алдов, зуғум халқ бошига оғир тушди,
Кетмончининг елкасига яғир тушди,
Косасига даласидан оғу тушди.
Ёзсанг, унинг зорини ёз, шоир ука,
Йўғини қўй, борини ёз, шоир ука.

Эт увишса, билинади офтоб қадри,
Ақл пишса, билинади китоб қадри,
Отдан тушса, билинади арбоб қадри,
Ёзсанг, чуқур ўйлаб ёзгил, шоир ука,
Келажакни бўйлаб ёзгил, шоир ука.

Деҳқон тирик дала билан дегани рост,
Гўшт ўрнига у қуруқ нон егани рост.
Деҳқон кутган ёруғ замон келгани рост,
Келган қуёш ботмасин деб ёзгил, ука,
Элнинг бахти ётмасин деб ёзгил, ука!

## ЖОНОДИЛ

Жонодил жонга хуш жўмардин суюр,
Бирга тош-муз ялаб, бир ўтда куюр.
Отам замонлардан қолган бу айтим:
Айғир қум чайнаса, чанг ютар уюр...

●

Ўртандим, юрагим минг бўлак бўлди,
Сабаби қаймоқ юз, оқ билак бўлди.
Изидан бордим-у сўз деёлмадим,
Кенг йўл қайтаримда тор йўлак бўлди.

Мен ўзи аслида нетмоқчи эдим?
Бир оғиз сўзимни айтмоқчи эдим.
У жуда ўхшарди Кумушбибига,
Мен «Ўтган кунлар»га қайтмоқчи эдим...



Тоҳир МАЛИК

# ЭРКИН

ҲИКОЯ

**Қ**АМОҚХОНАНИНГ темир эшиги аввалига юракни эзадиган даражада ғижирлади, сўнг шиддат билан шарақлаб ёпилди. Эркиннинг назарида, темир эшик шарақламади, балки моғор ҳиди анқиб турган бу зах бино тарс иккига ёрилиб, ажралиб, кейин шу заҳотиёқ уни ютиб юборгандай бўлди. Узунаси уч қадам, эни икки қадам келадиган совуқ, нимқоронғи хонада ёлғиз қолгач, Эркиннинг баданида титроқ турди. Титроқ совуқданми ё қўрқувданми — буни аввалига ўзи ҳам фарқламади.

Эшикнинг шарақлаб ёпилиши сўнгги умид учқунлари устига кул тортди. Қамоқхонанинг узун даҳлизидан қўлини орқасига қилиб юриб келаётганида ҳам ундаги умид учқуни олисдаги юлдуз каби милтиллаб турган эди.

Энди... тамом! Демак, бу шунчаки пўписа эмас! Демак, бу англашилмовчилик ҳам эмас!

Эркин остона ҳатлаб бир қадам қўйганича қотиб турарди. Кўз олдини қоронғи парда қоплаган, назарида оёқларидан жон буткул чиқиб кетгандай эди. У ўзи билмаган ҳолда чўка бошлади. Аввалига чўнқайди, сўнг чўккалади. Тиззалари музлади. Титроғи кучайди. Бақирмоқчи бўлди — овози чиқмади.

Қоронғи хона бирдан ёришиб кетди. Шундай ёришдики, ҳатто кўзларига ҳеч нима кўринмай қолди. Назарида, қамоқхона томини икки ёнга суриб кўринган қуёшга қараб кўзи қамашгандай эди. Дам ўтмай хона аста қизара бошлади. Охири қондек тўқ қизил тусга кириб, атроф чайқала кетди. Қамоқхона бино эмас, балки улкан қон денгизида қалқиб турган кема эди унинг хаёлида. Мавжлар бора-бора пўртанага айланди. Тиз чўкканича қалтираётган Эркин ўроқ солинган буғдой поясидай шилт этиб ёнга қулади. Чаккаси бетонга тегиб, кўз олдини қоплаб турган қип-қизил қон денгизи қоп-қора зимистон чоҳга айланди. У зимистон чоҳга гўё учиб тушди. Қалтироқлари ҳам қолган, бадандаги зирқироқ оғриқ ҳам кўтарилган эди. У ўзини енгил ҳис қилар, қушдай учарди...

Белига энли камар боғлаган соқчи йигитчанинг жимиб қолганидан хавотирланиб эшик туйнугини очиб қаради.

— Ерга ётиб олибди, бирон нима бўптимикин? — деди у шеригига қараб.

Рангпар шериги ҳам қаради-да:

— Ўлмайди, ётаверсин, — деб нари кетди.

Эркин қанча ётганини билмайди. Ҳушига келди-ю сукунат жарангидан даҳшатга тушди. Жимжитликнинг бу қадар даҳшат эканини у билмас эди. Шу сабабли ҳушига келган-келмаганини аввалига билмай ётди. Бир пайт онаси сукунатни парчалаб «Тур, болам, шамоллаб қоласан», деб шивирлагандай бўлди. Эркин сесканиб бошини кўтарди. Қулоқ тутди — онаси бошқа гапирмади. У атрофга аланглади: тўғрида темир каравот қорайиб турибди. Тепада хира чироқ. Бир томонда темир панжарали дарча. Орқада темир эшик. Бошқа ҳеч нарса йўқ.

У қаддини ростлади-да, музлаб қолаёзган ўнг қўлини, ўнг биқинини силади. Мажолсиз оёқларини бир-бир судраб босиб каравотга бориб ўтирди. Кўрпа бўлиб кўрпамас, жунчойшаб бўлиб жунчойшаб бўлмаган бир увадани олиб ўранди. Баданига сал илиқлик югурди. Совуқ чекингач, очлик хуруж қилди.

Тун бўйи мижжа қоқмаган йигитчани тонгда, нонушта қилишга ҳам қўймай олиб келишган эди. «Энкеведе»[1] деса жони ҳалак қўшнилар эшиклари тирқишидан мўралаб қолаверишган, нола қилаётган онасини юпатгувчи зот топилмаган эди. Эркин кун бўйи тик турганича сўроқларга жавоб берди. Қош қорая бошлаганда келтириб бу хонага тиқишди.

Эркин нимқоронғи, зах хонага ҳам, сукунатга ҳам аста кўника бошлади. Бир йил ичида аввал акасидан, сўнг отасидан айрилган, отасининг дўстлари ҳам бирин-кетин қамалаётганини эшитиб довдираб қолган ўн етти ёшли йигитча учун ўтган кеча ва кундуз кутилмаган синов эди.

Уч кун аввал мактаб директори уни чақиртирди. Чўққи соқолли бу одам ғоят сертакаллуф, ҳатто болаларни ҳам сизлаб гапирар, бировдан ранжиганини сира сиртига чиқармас эди. Ана шундай мулойим одамни ранги оқарган ҳолда кўриб Эркин ажабланди.

— Кечқурун Нозимхўжа акангизни ҳам олиб кетишибди, — деди у саросима билан. — Биттадан теришяпти. Сиз ҳозироқ уйингизга боринг. Дадангизнинг китобларини, кундаликларини, мактубларини, хуллас, ёзилган қоғоз зоти борки, беркитинг. Жулқунбой билан Чўлпоннинг китоблари зинҳор юзада қолмасин. Эҳтиёт бўлинг, болам, бора қолинг.

— Нимага, муаллим, — деб эътироз билдирди Эркин, — дадам... йўқлар-ку? Шунда ҳам келишадими бизникига?

— Келишлари мумкин...

Эркин муаллимнинг қўрқоқлигидан бир кулиб, бир ҳайрон бўлиб уйига борди. Унинг гапларини онасига айтди. Онасининг ранги ўчиб «Вой, ўлмасам...» деб икки юзига кафтларини босди. Уч ойдан бери пенсия пули берилмай қўйилганининг боисини шу топда англади. Бир оз саросимада турди-да, кейин токчалардаги китобларни саралай бошлади. Унинг қўли ишда, лаблари эса «Вой, худойим, энди нима қилдик, буларни қаерга яширдик?» — деб пичирларди.

— Эркинжон, болам, буларни қаерга яширамиз? Ёқмасак бўлмайди, шекилли? — деди онаси тўпланган китобларга қараб.

Эркин «ҳазиллашяптиларми» деб унга тикилди. Кейин онаси ҳозирнинг ўзида ўт қўйиб юбораётгандек қўлларига ёпишди.

— Йўқ, — деди у қатъий, — ёқмайсиз! Бу дадамнинг китоблари!

Дадасининг қўллари теккан китобларни ёқишга йўл қўя олмас эди. Китоб ёнса, дадасининг хотираси ҳам куйиб кул бўларди. Оқибатда бу уйда табаррук ҳеч нима қолмас эди. Эркин хотирасиз яшамоқ, туйғулардан маҳрум бўлмоқ ваҳшийлик эканини ҳали тушуниб етмасди. У ҳозир бир нарсани аниқ биларди — отасининг қўллари теккан буюм табаррук, муқаддас. Муқаддас нарсани эса ёқиб бўлмайди. Онасининг қўлларини ушлаб, кўзларига тикилди. Унинг бу қарашида «ўлсам ўламан, аммо ёқтирмайман» деган қарор зоҳир эди. Она ўғлининг қалбида портлаган, бироқ, тилидан учмаган бу гапларни юраги билан эшитди.

— Нима қиламиз бўлмаса? — деди йиғламсираб.

— Кўмиб қўямиз.

Ошхонада одам бўйи келадиган катта хум бўларди. Эркин эсини таниганидан буён бу хумга дон-дун тўлатилганини билмайди. Ҳозир Эркиннинг хаёлига дафъатан шу бўш хум келди. Ташқарига чиқиб, ўра кавлай бошлади. Онаси эса ҳамон йиғламсираб мактубларни, ҳужжатларни тўпларди.

Эркин хумнинг оғзини маҳкамлаб, устига тупроқ тортиб сўнг итнинг ёғоч уйини суриб қўйганида тун ярмидан оққан эди.

Эрталаб мактабга борган Эркин директорнинг «халқ душмани» эканини билди. Директорнинг кечаги қиёфаси кўз ўнгидан кетмай, ўзининг ҳам саросимага банди бўлиб бораётганини сезмади.

Оқшомда эса булар келишди. Бошқаларга буйруқ бераётган чарм курткали кишини Эркин бир кўришдаёқ таниди. Жавлон исмли бу одам аввалари ҳам бир-икки келган, лекин дадаси уни нимагадир хушламас эди. Меҳмон изига қайтгач, дадаси оила даврасида унинг фазилатларини шарафлаб ўтирар эди. Меҳмон кўнглига ўтирмайдиган, хуш кўрилмайдиган бўлса, индамай қўя қоларди. Унинг бу одати Эркинга ҳам маълум, шу сабабли тилга олинмаган меҳмоннинг кимлигини сўраб-суриштирмас эди. Шу туфайли чарм курткали Жавлоннинг кимлигини билмас эди.

**Д**АДАСИ ҚАЙТИШ қилиб берганда ҳам бу одам келган, «Мираббосов большевик эди, большевикчасига кўмамиз», деб хархаша қилган. Эркиннинг бувиси чиқиб, «Болам большевик бўлган эди, тўғри, лекин ота-боболаридай бўлиб ётаверсин. Большевик тахта қутида ётсин, деган қонунингни кўрсат», дегач ён босган, аммо «юзини очинглар, хайрлашайлик», деб тиқилинч қилган. Одамлар «кафанлаб қўйилган, очиб бўлмайди», деб койиб беришгач, жанозани ҳам кутмай кетиб қолган.

Айнан шу одамнинг келиши Эркинга жумбоқ эди.

Жавлон ҳатто этигининг чангини ҳам қоқмай уйга кириб келди. Аввал наматни, сўнг тўшалган кўрпачаларни босиб ўтиб, токчага яқинлашди.

— Ҳм, Маркс, Ленин... яхши... — деди у китобларни қараб, — ўртоқ Сталиннинг китоблари қани?

Эркиннинг онаси каловланиб, жавоб бера олмади.

— Қанақа большевик экан, бу Мираббосов, уйида доҳийнинг китоби бўлмаса... Мана бу ерда Қодирийнинг, нариги токчада Чўлпоннинг китоблари турар эди. Қани бу китоблар?

Онаси яна жавоб тополмай қолди. Аввалги саволига жавоб бўлмаганидан индамаган Жавлон бу сафар овозини баландлатиб сўради:

— Китоблар қани деяпман!?

— Улармиi... уларни ёқиб юборганмиз.

— Ёқиб юборганмиз? Нимага?

— Шу... нимайди...

Онасининг ўртанишига чидай олмаган Эркин жавоб қайтарди:

— Халқ душманларининг китобига большевикнинг уйида жой йўқ!

Жавлон заҳарли жилмайиш билан Эркинга тикилди:

— Шунақами? Яхши... Аммо сендан сўраганим йўқ, тирранча, сен гапга аралашма... Хў-ўш, демак, китобларни ёққансиз? Эрингиз қаерда, уни ёқмагандирсиз, а?

Эркин ҳам, онаси ҳам ҳангу-манг бўлиб қолишди. Бу одам ҳазиллашяптими ё чин гапиряптими — фарқлай олишмади.

— Бу нима деганингиз... — деди онаси йиғламсираб. — Ахир дадаси... ахир ўзингиз кўргансиз...

— Кўрмаганман! Кўрай деганимда мени юлиб ташлагансиз, чунки кафан ичида бошқа одам бўлган. Мираббосов халқ душмани, у адолат ҳукмидан қочиб юрибди.

— Ҳаққингиз йўқ бундай дейишга! Дадам чин большевик эдилар!

— Ўзингни бос, тирранча! Дадангни сендан кўра мен яхшироқ биламан. Мираббосов Бухородаги тинтувда топилган бир хум тилланинг ярмини топширмаган. Архивни кўтардик. Далиллар бор. Хўш, қолган тиллани қаерга яширган? Ё уни ҳам ёқиб юбордингизми? Майли, Мираббосов халқ душмани бўлмай қўя қолсин. Бундай дейишга арзимайди у. Мираббосов оддий ўғри. Биз ўғрини излаб топишимиз керак.

— Ўзинг ўғрисан! — Эркин ўзини тутолмай шундай деб бақирди-да, Жавлонга ташланди. Онаси йўлини тўсмаганида унинг кекирдагига чанг солиши аниқ эди. Жавлон бир имлаган эди, остонада турган аскар Эркиннинг қўлини қайириб, ҳовлига судраб олиб чиқди.

Қош қорайди, кеч кирди. Атрофга сокинлик чўкди. Гўё бутун шаҳар, бутун ўлка оромга берилган эди. Эркин шу онда бошқа хонадонлар ҳам ташвиш ўтида қоврилаётганини, эшикларининг тақиллашини хавотир билан, юрак ҳовучлаб кутаётганини билар эди. «Балки уч-тўрт уйни тинтишаётгандир, — деб ўйлади у, — лекин ўлган одамни топиб берасан, деб тиқилинч қилишмаётгандир?..». Эркин ичкарида нима гап бўлаётганини билмасди. У одамнинг ғўнғир-ғўнғир товушини, онасининг йиғламсираган овозинигина эшитарди. «Кўмилган қоғозларни, китобларни кўрсатсам, қораси ўчармикин буларнинг», деб ҳам ўйлади. Кейин қоғозлардаги бирон бир сатр отасининг «халқ душмани» деб қораланиши учун асос бўлиши мумкинлигини англаб, ўзини тийди. У дадасининг кундаликларини ўқиган, айрим сатрлар ёд ҳам бўлиб кетган:

**Маризнинг бир тарафдин, бир тарафдин**
**хорсан миллат,**
**Бадандин қон олдирғувчи беморсан миллат...**

Отасининг бадном бўлиб кетишига шу байтнинг ўзигина кифоя. Унинг инқилобдан аввал ёзилганига қараб ўтиришмайди. Эркин отасининг қамоққа олинган дўстларини эслаб «тирик бўлганларида дадам ҳам...» деб ўйлардию юраги орқасига тортиб кетди. Отасининг бу чарм курткали одамга бош эгишга, унинг олдига тушиб қўлини орқасига қилиб уйдан чиқиб кетишига Эркин чидай олмаган бўларди. Бошқалар қандай чидаяпти экан, нима учун уларнинг юраклари аламдан тарс ёрилиб кетмаяпти экан?

Эркин кечаси билан шундай ўйлар исканжасида тўлғанди. Тонг бўзармай туриб уни ичкарига чақиришди. Тиз чўкиб ўтирган онасини кўриб Эркин унга талпинди. Чарм курткали одам йўлини тўсиб, билагини маҳкам сиқди:

— Онангга ачинсанг, отангнинг қаердалигини айт. Майли, уни айтмай қўя қол. Ўзимиз топамиз. Сен олтинлар билан қоғозларнинг қаердалигини айт.

— Бизда олтин бўлмаган. Қоғозларни ёқиб юборганмиз.

— Ҳа, яхши. Бу ерда бир гап чиқмайди, шекилли. Сен мен билан кетасан. Суҳбатни идорада давом эттирамиз. «Энкеведе» нима эканини билмас экансизлар.

— Биз ўртоқ Сталинга шикоят қиламиз. Сиз ҳали жавоб берасиз!

Жавлон «илоннинг боласи илон, чаённинг боласи чаён» деб ижирғанди-да, Эркинни силтаб итарди. Онаси уйда фарёд тортиб қолаверди.

Идорадаги суҳбат эски эшикнинг бир меъёрдаги ғижирлаши каби давом этиб, Эркиннинг асаб торларини бурдалаб ташлади. У одам уйдаги ўша саволларни эринмай, бир хил оҳангда такрорлайверди. Эркин ҳам бир хилда жавоб қайтараверди. Оқшомга бориб иккови ҳам ўлардай чарчади. Оқибат — Эркин қамоқхонага, Жавлон эса уйига йўл олди...

«Ойим нима қилишни билмай ўтиргандирлар,— деб ўйлади Эркин. —Оғзим қуriяпти, сув сўрасаммикин? Нима деб сўрайман? Шулардан сўрайманми?..».

**Э**РКИН УВАДАГА ўраниб, очликдан силласи қуриб ўтирганида онаси қамоқхона атрофида зир қақшаб юрган эди. Кундузи ичкаридан тайинли бир гап чиқмагач, уйига қайтиб ош пишириб, тоғорага сузиб келган, бир «инсофли одам» бу ошни Эркинга бериб қўяман деб, олганича дом-дараксиз кетган эди. Она бечора «ўғлим оч қолмайдиган бўлди» деб бир оз овунган, тоғорачадаги ошнинг шу девор ортида уч азамат томонидан иштаҳа билан еялганидан бехабар эди.

Қош қорайганда Жавлон чиқди. Онанинг «болам қани?» деган саволига «сўроқ тугамади» деб тўнг жавоб қайтарди-ю, автомобилга ўтириб жўнаворди.

Эртасига эрталаб қўнғир бинонинг совуқ деворига суяниб мудраб ўтирган онани кўриб уни чақирди.

— Энкеведе билан ўйнашманг, девдим-а? — деди у пўписа оҳангида. — Ўжарлик қилманг. Болангиз мени ҳақоратлади. Илоннинг боласи илон, душманнинг боласи душман. Учликнинг ҳукми билан узоққа кетади. Ўйлаб иш қилинг. Эсингизни йиғсангиз, қутқариб қола оласиз.

— Ўғлимни бир кўрай.

— Мумкин эмас. Қоғозларни қаерга яширгансиз, олтинни-чи?

— Ахир, айтдим-ку?

— Ўйланг, кечгача ўйланг.

Она яна икки ўт орасида қоврилиб қолаверди. Ахир, у нимани ўйлайди? Эри қаро ерда ётган бўлса. Уни тирилтириб олиб кела олмаса... Тирилтира олганда ҳам бу бедавонинг қўлига топширармиди? Нима учун топширади, нима гуноҳи бор экан у шўрликнинг? Эски замонда неча ўлимдан қолган эди, бу замонда ўлиб ҳам қутулмаса... «Олтинни топиб бер» дейди. Олтиннинг номини эшитишган, ўзини кўришмаган бўлса... Ортиқча беш-ўн тангалари бўлганда тўнғичларини омон сақлаб қолишмасмиди? Йигит ёшида бу дунёда ҳеч нима кўрмай кетди бечора. Пахта теримига чиқиб ўпкасини шамолга олдириб қайтди-ю, ўнгланмади, қийналиб жон берди. Яхши дори-дармонларга қўллари калталик қилди. Ота бояқиш юртим, халқим деб юраверган экан. Боладан айрилди-ю, юрти, халқи у ёқда қолиб ўз жони ҳам кўзига кўринмай қолди. Устидаги мотам кийимини ечмай, боласи ортидан кетди.

«Эркинжон, болам, онанг мен билан турмуш қуриб рўшнолик кўрмади, сен уни ўкситма». Унинг кетар чоғидаги васияти шу бўлди. Ана энди онасини бошида кўтариб юриши, нохуш шамоллардан асраши, бу муштипарга бахт нима эканини англатиши зарур бўлган фарзанд шу совуқ ғиштин бино ичида ўтирибди. Нима қиляпти у ерда, уни қийнашяптимикин ё? Шу фикрнинг ўзиданоқ она юраги потирлаб, ёрилиб кетай деди.

Кечгача ўйлаши керак... Кўмилган қоғозларни, китобларни бериб юборса қутулармикин? Ё нимага беркитгансанлар, бир айбларинг бор, деб яна баттар қилармикин?

Она нима қиларини билмай турганида, катта эшик очилиб, бир аскар кўринди. У ёқ-бу ёққа аланглади-да, сўнг унга яқинлашди.

— Мираббосова сенмисан? — деди у дағдаға оҳангида.

— Менман.

— Уйингга жўна. Ҳали кечқурун боришади. Жилмай ўтир. Буйруқ шунақа.

— Ўғлим... Ўғлим-чи?

— Ўғлингни билмайман. Бор, жўна.

Она унинг кўзларига умидвор нигоҳ билан боқиб, жиндек бўлса ҳам меҳр излади. Йўқ, меҳр топмади. Бу аскарнинг қарашлари совуқ, кўз косасига иккита муз парчаси солиб қўйилгандек эди.

Она ундан узоқлаша бошлади. Оёқлари тошдай зил, босишга мажол йўқ эди. У анча вақтгача орқадан овоз келиб «Ҳой, она, тўхтанг, ҳазиллашувдим, ҳозир ўғлингиз чиқади, бирга кетасизлар» дейилишини кутди. Ўн-ўн беш қадам юргач, илинж билан орқасига ўгирилди. Муз кўзли аскар кўринмади... «Нимага боришади, нимага кечқурун боришади?» деган савол уни турли хаёл кўчасига етаклади. Уйига яқинлашгач, «Эркинжонимни қўйворишган бўлса уйда кутиб ўтирганмикин?» деган хаёл чақмоқдай ярқ этиб, зулмат кўнглига ёруғлик берди. Зил-замбил оёқлари ҳатто енгиллашгандай туюлди. Шошиб эшикни очди. Ҳовлидан Эркиннинг «Ойижон!» деган овози эшитилгандай бўлди. Онанинг юраги яна потирлади. Нафаси қайтиб, кўзи тинди. Эркини, Эркинжони яна бир «Ойижон!» дермикин деб кутди. Йўқ, ҳовли ҳувиллаб ётарди. Она уйига сиғмай кўчага чиқди. Ўзи билмаган ҳолда акасиникига қараб юрди. Акаси уйда экан. Уни сал чўчиброқ қарши олди.

— Нимага келдинг, бунақа пайтда уйда ўтириш керак. Орқангдан одам тушган бўлса... — у шундай деб кўча эшикни қия очиб, ташқарига мўралади.

— Ойимни олиб кетаман. Кечқурун келишаркан. Ёлғизман, — деди она синиқ овозда. Бу ерга у дала илинжида келган эди. Акасининг қўрқаётганидан билдики, далдага умид қилиш— чўкаётган одамнинг хасга ёпишишидай бир гап. Ўз аканг шундай қилаётганидан кейин...

Кампир қизини бағрига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

— Кеча оқшом эшитганимдан бери адойи тамом бўлдим, борай десам, аканг қўймайди. Замон оғирлашиб кетганмиш, нима қилай, қон ютиб ўтиравердим.

— Кечқурун келишаркан, ёлғизман.

— Бораман, болам, бораман.

— Сен кетавер, бирга юрманглар. Ўзлари борадилар, — деди акаси.

Она қамоқхонадан узоқлашаётган дамда қўлларини орқасига қилиб олган Эркин Жавлоннинг хонасига кириб келган эди. Жавлон йигитчанинг кўзларидан ниманидир уқмоқчи бўлгандай қаттиқ тикилди. Эркиннинг кўзларида уйқусизлик, очлик азоби зоҳир эди. Жавлонга худди шу керак: бола азобга банди бўлганми, йўқми — шуни билиш истагида тикилган эди. Излаганини топиб, юзига ғолиб одамнинг масрур кулгиси югурди.

— Ўтир, онанг овқат олиб келибди, еб ол, — деди у мулойимлашиб.

Эркин стол устидаги тунука коса, буғи кўтарилиб турган шўрва, бир бурда нонни кўриб, ютинди. Лекин сир бой бергиси, бу одамнинг марҳаматидан фойдалангиси келмади.

— Қорним тўқ, — деб юзини четга бурди.

Жавлон унга яқинлашиб бўйнидан ушлади-да, стол томон итарди.

— Ўтир, еб ол, тирранча! Сенга ким қўйибди аразлашни. Қорнингни тўйғазиб, саволимга жавоб беру жўнаб қол, онанг кутиб турибди кўчада.

Эркин ўтириб, қўлига қошиқ олди. Шўрва томоғини куйдириб ўтди. Шўрва шўр эди. «Майли, бир-икки қошиқ ичай, яна сулайиб қолмай», деб ўйлади Эркин. Шу пайт аскар йигит қайнаб турган самовар олиб кириб қўйди. «Чой ҳам берарканку», деб кўнглидан ўтказди Эркин. «Яна бир қошиқ, кейин ичмайман...» деб ўтириб косани бўшатди. Шундан кейин ичи ёна бошлади. «Бу одам чой дамламайдими?» деб кутди. Жавлон самоварга қараб ҳам қўймади.

— Қорнинг тўйдими? Энди айт: отангнинг қоғозлари, кундаликлари қаерда?

— Ёқиб юборганмиз.

Кечаги савол-жавоб, кечаги томоша қайтадан бошланди. Йўқ, томоша кечагидай эмасди. Эркинни кечаги дадиллиги тарк этган, аксинча уйқусиз икки тун, очлик азобига қўшилган ташналик ҳукмини ўтказа бошлаган эди. У ўзини аранг тутиб турарди.

— Дадангнинг кундаликларини ўқиганмисан?

— Йўқ.

— Унда нимага ёқдинг?

— Кераксиз қоғозлар, деб ўйлабман.

— Бекор айтибсан, ўқигансан. Бу кундалик отангни халқ душмани сифатида фош қилишини билгансан.

— Отам душман эмас эди! — Эркин шарт ўрнидан турди. Лекин Жавлон уни елкасидан чангаллаб, жойига босиб ўтказди.

— Мен ўқиганман отангнинг кундалигини. Эсимда турибди: «Халқ ночор, халқ юпун, халқ ўлим тўшагидаги бемор. Бунга сабаб юмшоқ ўринда кекириб ўтирган ўртоқларнинг думба чайнаб чандирни халққа отиши, қаймоқ ялаб, шилдир сувни халққа бериши, палов ошалаб, ювиндини халққа раво кўришидир...» деб ёзган отанг. Ўқигансан-а? Ҳа, ўқигансан. Бунақа гапни фақат душман айтади. Қани ўша кундалик, қаерга яширдинг? Ёқиб юборганингга ишонмайман, барибир топаман. Сенинг терингга сомон тиқаман, онангни оёғидан осаман! **Айт!**

— Ёқиб юборганмиз...

«Ҳозир шундай сайратайки...» Жавлон самовар қопқоғини очиб томизғичга қайноқ сув тўлдирди-да, Эркиннинг орқа томонига ўтди. Йигитчанинг бошига бир томчи қайноқ сув томизди. Кутилмаган оғриқдан Эркин сакраб тушди. Қайноқ томчи миясидан кириб товонидан чиққандай бўлди. Жавлон уни елкасидан босиб жойига ўтқазди. Яна бир томчи томизди. Эркин бу сафар дод деб юборди. Даҳлизда кутиб турган аскар ичкари кириб Эркиннинг қўлларини стулга боғлади. Жавлон бир оз фурсатдан кейин яна қайноқ сув томизди. Эркин бу азобларга узоқ дош бера олмади — ҳушидан кетди.

**Э**РКИННИ ИККИ аскар суяб олиб чиқди. Жавлон унинг орқасидан қараб заҳарханда билан «Тирранча!» деб қўйди-да, телефон дастасини кўтарди.

— Вадим Алексеевич, терговни тугатдим. Мираббосовнинг халқ душмани экани тасдиқланди. Ҳа, большевик ниқобида юрган. Ўн тўққизинчи йилда Бухоро амири билан шахсан учрашган. Шундан бери Совет ҳокимиятига қарши пинҳона курашиб келган. Сири фош бўлишини билиб ўзини ўзи ўлдирган. Ўғлининг озодликда қолиши совет ҳокимияти учун ғоят хавфли. Қарашлари аксилинқилобий... ҳа, ашаддий миллатчи... Фикримми?.. Йигирма беш йилдан кам эмас... Ҳа, учликнинг ҳукмини тайёрлаб қўяман.

У трубкани қўйгач, чуқур тин олди. «Бир вақтлар менинг уруғимни қуритмоқчи эди. Сал вақтлироқ ўлди-да, уруғ қуритиш қанақа бўлишини кўрарди», деб ўзидан ўзи қувонди-да, «миллатчи унсур Эркин Мираббосовни» йигирма беш йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақидаги уч кишидан иборат ҳайъатнинг қарорини ёза бошлади.

Эркин муздай хонада ўзига келди. Қаддини кўтариб бошини ушлаб кўрди. Чарм курткали одам, назарида, бошига ўткир михлар қоққандек эди. Эркин бошида оғриқ сезмади. Аммо дам ўтмай ташналик азоби буровга олди. Кўкрагини муздек тошга бериб ётди — ҳаловат топмади. Ўрнидан турди. Юзини деворга босди — ором ололмади. Соқчини чақириб, сув сўрамоқчи бўлди. Ярим йўлда тўхтади. «Буларга ялинмайман!» деб орқасига қайтди. Қулоқлари остида сув жилдирагандай бўлди. Кўзига қизларнинг қирқкокилидай биланглаётган қизғиш ўтларни ўйнатиб оқаётган ариқдаги зилол сув кўринди. Кўзларини чирт юмиб, қулоқларини кафти билан беркитди. Шу аҳволда узоқ ўтирди. Азобларни эсламасликка, бошқа воқеаларни ўйлашга ҳаракат қилди. Ўйлари айланиб келиб сўроққа тақалаверди.

Шунча азоблар етмагандай кўнгли беҳузур бўлиб ўқчиди. Қорни бураб оғриб, букчайиб қолди. Кўз олдига яна қонли дарё келиб қамоқхона шу дарёдаги пачоқ кемадай чайқала бошлади. Кейин зимистон бағрига отилди. Шунда ўзини сал енгил ҳис қилгандай бўлди. Аммо бу ҳол узоқ чўзилмади. Кўзини очиб яна совуқ девор, темир эшик, темир панжарали дарчани кўрди. Ичакларини бир нима ёндиргандай бўлди. Томоғи, оғзи қуриди. Қулоғи остида жилдираётган сув дам ўтмай шаршара каби шовуллади. Ариқ кенгайиб анҳорга айланди. Анҳорнинг зилол сувлари кўпириб, тошиб қамоқхона томон оқа бошлади. Дарвозаларни бузиб кириб темир панжарали дарчага етиб келди. Эркин беихтиёр равишда тепага қараб, оғзини очди. Кўзига кўринган сув анҳорда оқиб келган эмас, балки хаёлидан тошиб чиққан эди. Буни англаб сўкинди. Деворга алам билан мушт урди. Аввалига тиз чўкиб ўтирди. Кейин ичи куйгандан куйиб, бир оз ором оларман деган мақсадда яланғоч кўкрагини совуқ тошга босди. Ичидаги олов алангаси пасайгандай туюлди. Энди юзини ҳам тошга қўйди. Назарида, тош нам эди. Тилини чиқариб тошни ялади. Бу ҳам озгина муддатгина фойда берди. Ичидаги оташ тошдаги муздан ғолиб чиқди. Эркин энди соқчини чақириб сув сўрашни ўйламас эди. Чарм курткали одам билан бўлган суҳбатларини ҳам эсламасди. У азоб тўлғоғига буткул банди бўлган эди. У тош устида типирчилай-типирчилай ҳолдан кетди. Ташналик ҳам, ичакларини бураб тортиши ҳам барҳам топгандай тинчиди. Маъносиз боқаётган кўзларини темир панжарали дарчага қадади. Унинг оғзи емиш кутаётган палапон оғзидай очиқ эди. Оғир меҳнат қилиб ҳориган одам каби калта-калта нафас олар эди.

У дарчага қараб нажот кутарди. Темир панжарага парво қилмай ёриб кираётган ёруғлик билан наҳот нажот ҳам кирмаса, наҳот бир томчигина сув тушмаса? Онаси кўчадамикин? Бақирса эшитармикин? У бақирмоқчи эди — овози заифгина ҳирқиради. Боши айланиб кўзларини юмди. Кўзини очиб... темир панжара ортида акасини кўрди. Қалдирғоч мўйлов ярашиб турган ўша меҳрибон чеҳра. Ўша беғубор жилмайиш...

«Укажоним, сенга нима бўлди?».

«Акажон, сув беринг, ёниб кетяпман».

«Бир ҳовучгина олибман, сувни, ма, ич...».

Дарчадан тушган сув тош устига тўкилди. Эркин оғзини очганича қолаверди.

«Нимага келдингиз, ака? Ахир сиз...»

«Сени қийнашаётганини билиб келдим олдингга. Қийнашса ҳам айтма. Дадамни бадном қилишмоқчи булар. Кундаликдаги гапларни биласан-ку?».

«Биламан. Одамлар бекордан бекорга қулоқ қилиняпти, одамлар бекордан бекорга азобга тортиляпти, деганлар. Булар мени ўлдиришса ўлдиришсин, лекин сир олишолмайди».

«Ҳа, ўлсанг ўл, аммо айтма. Сен эркаксан. Улар сендан қўрқишади. Шунинг учун қийнашяпти. Сен чида, мен яна сув олиб келаман...».

Акаси кўринмай қолди. Эркин кўзларини юмди. Акасининг овозини яна эшитиб кўзларини ялт этиб очди. Акаси ҳовучидаги сувни тўкди. Сув пастга етиб келмади, зарраларга бўлиниб, сочилиб кетди.

«Ака, сизларнинг олдингизга боргим келаяпти, нима қилай?!.

«Кела қол, укажоним. Дадам ҳам айтиб юбордилар. Сен билагингни тишла, томирингни уз. Шунда бизнинг олдимизга ҳур қуш бўлиб учиб келасан. Бўла қол, кутяпмиз сени...».

Эркин кўзини юмиб очди, акаси кўринмади. Билагини аста тишлади. Жони оғриб, қўлини тортиб олди. Баданидаги оғриқлар қўзғалиб тош устида типирчилай бошлади. Шунда акасининг гапларини эслаб, жон аччиғида билагини тишлади — бу сафар оғриқ сезилмади. Тишини қаттиқроқ ботирди. Ақл-ҳушини йўқотган Эркин билагини шартта-шартта тишлаб ташлади. Томиридан отилган илиқ қон юзига тегиб кўнгли беҳузур бўлди. Кўз олдидаги дарёда қон мавж урди. Мавжлар устида қамоқхона, қамоқхона ичида Эркин чайқалди. Чайқала-чайқала ҳушидан кетди. У акаси айтганидай енгил учди. Уча-уча дадаси томон йўл олди.

**Б**У ОНДА ЖАВЛОН уларнинг ҳовлисида итнинг ёғоч уйини сурдириб, хумни кавлатиб олдирди. Қоғозлар ичидан кераклисини топиб кўнгли равшанлашди. «Жавлон Жабборов унсурлар тўдаси билан яширин тил боғлаганини бўйнига олди. Айбини қон билан ювишга онт ичди. Ҳайъат унинг қасамини инобатга олиб, большевиклар сафида бир йиллик синов муддати билан қолдирди. Мажлис раиси Мираббосов.., 1919 йил».

— Ўғлим қачон келади? — деди она Жавлонга умидли нигоҳини қадаб.

— Кут, келади, — деди Жавлон эътиборсиз оҳангда. Кейин қоғозлар, китоблар боғламини кўтарган аскар йигитлар орқасидан юриб, кўчага чиқди.

Эртасига ҳовли ҳувиллади. Тонгда онани ҳам олиб кетдилар.

1. НКВД — Ички ишлар халқ комиссарлиги.

# ПАХТА ВА ХАЛҚ СОҒЛИГИ

**«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА РЕСПУБЛИКА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ САИДЖАЛОЛ БАҲРОМОВ ЖАВОБ БЕРАДИ**

**— Санджалол Маҳмудович, сўнгги пайтда марказий ва республика матбуоти Ўзбекистонда болалар ўлими, шунингдек, юқумли касалликлар бошқа жойлардагига қараганда анча кўплиги ҳақида ёзмоқда. Мана 1989 йилнинг ҳам ўртасига келиб қолдик. Аввалги йилларга нисбатан қандай ўзгаришлар бор? Кўрилаётган ташкилий-тиббий тадбирлар самара бераяптими?**

— Дарҳақиқат, болалар ва оналар орасида ўлим ҳолларининг юқорилиги, баъзи юқумли касалликларнинг кенг тарқалганлиги барчамизни ташвишга солаётир. Республика соғлиқни сақлаш муассасалари, шифокорлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Аммо, эътироф этиш керакки, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар тоғини бир ҳамла билан забт этиб бўлмайди. Бундан буён соғлиқни сақлаш мақсадлари учун янгидан қурилаётган биноларнинг 50 фоизидан зиёдроғини оналар ва болалар, юқумли касалликларга дучор бўлган беморлар даволанадиган жойларга айлантиришга қарор қилинди. Бундай шифо масканлари замонавий тиббий асбоб ускуналар билан жиҳозланади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида янги кафедра, курс ва цикллар ташкил этилди. Баъзи областларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг факультетларини ташкил этиш масаласи кўрилмоқда.

Юқумли касалликлар билан оғришни оператив равишда кузатиш жорий этилганлиги туфайли ўтган йили республиканинг 76 жойида вирусли гепатит ва юқумли ичак касалликларининг кенг тарқалиб кетишига йўл қўйилмади. Шу ва шу сингари тадбирлар туфайли ўтган йили аввалги йилга нисбатан республика аҳолисининг вирусли гепатит (кенг тарқалган А формаси) билан хасталаниши 35 фоизга камайди. Бу — бир йил ичида 95 мингдан зиёд киши хатарли дард чангалидан қутилди, демакдир.

**— Сизнингча, болалар ўртасида ўлим ҳоллари кўплигининг асосий сабаби нимада?**

— Бу саволга бир сўз билан жавоб беришим қийин. Яхшиси қуйидаги маълумот ва фактлар асосида мушоҳада юритиб кўрайлик. Ҳозирги пайтда республикамизда фарзанд кўриш ёшидаги аёлларнинг сони 4,5 миллиондан зиёдроқ, ҳар йили уларнинг 700 мингга яқини фарзанд кўради. 12-14 фоиз аёл эса йил бошида ва охирида фарзандлик бўлади. Табиийки, ҳомиладорлик ва кўз ёриш соғлом аёлларда она учун ҳам, бола учун ҳам асоратсиз кечади. Лекин аёлнинг жуда ёш турмушга чиқиши, тез-тез ҳомиладор бўлиши (бундай ҳол республикамизнинг қишлоқ жойларида, айниқса Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа қатор областларда кўпроқ кузатилмоқда) она ва бола соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳомиладорлик даврининг ошқозон-ичак, жигар, буйрак касалликлари, камқонлик билан бирга кечиши, шу даврда оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, ўз вақтида ва сифатли овқатлана олмаслик, бунинг устига экологик жиҳатдан зарарли атроф-муҳитда яшаш оналар ва уларнинг гўдаклари саломатлигига шикаст етказмай қолмайди. Бундай ҳолларда кўпинча бола муддатидан олдин ўлик туғилиши ёки чала, кам вазнли, туғма нуқсонлари билан дунёга келиши, турли юқумли касалликларга берилувчан бўлиши мумкин. Республикамизда болалар орасида ўлим ҳоллари кўплигининг бир жиҳати мана шу билан боғлиқдир. Эндиликда нимжон бўлиб туғилган болаларни махсус неонатология марказларида бир ярим — икки ой мобайнида даволаш ташкил этилди. Афсуски, ҳали ҳамма областларда ҳам (тегишли жой масаласи ҳал этилмагани учун) бундай даволаш муассасалари ишга туширилмаган. Шу сабабли гўдаклар орасидаги ўлим ҳоллари юқорилигича қолмоқда.

Ушбу масала билан боғлиқ яна бир муаммога тўхталмоқчиман. Шифохоналаримизда оғир аҳволга тушиб қолган чақалоқ ва кичик ёшдаги болалар ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эмас.

Бунинг учун ҳар бир марказий район шифхонасида ва бошқа ихтисослаштирилган болалар шифохоналарида замонавий жиҳозланган, ҳар жиҳатдан талаблар даражасида бўлган реанимация бўлимлари бўлиши керак. Кейинги йилларда бу борада бир мунча иш олиб борилди. Аммо республика миқёсида аҳволимиз ҳамон оғир. Кўпгина касалхоналар ночор биноларда жойлашган. Биз жойлардаги партия ва совет органлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари раҳбарларидан зарур жойларда болалар реанимацияси хизматини зудлик билан жорий этишга ёрдам беришларини сўраймиз.

**— Кейинги йилларда қатор маъмурий бинолар, турғунлик йилларининг дабдабали меҳмонхоналари шифохоналарга айлантирилди. Бу аҳволни бироз енгиллаштиргандир.**

— Тўғри, шундай бўлди. Аммо замонавий шифохонанинг ўзига яраша шарт-шароитлари бор. Уни масалан базмлар учун мослаб қурилган бинода жойлаштириш осон эмас.

**— Вирусли гепатитнинг А тури ва бошқа юқумли касалликларнинг кўп тарқалишига мактабгача тарбия муассасалари, яъни боғчалар фаолиятидаги камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда, деган фикрга қандай қарайсиз?**

— Мен боғчаларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол ёмон демоқчи эмасман. Аммо кўп ҳолларда жой танқислиги туфайли соғ ва юқумли касалликка чалинган болаларнинг бир хонада тарбияланиши сир эмас. Шу ҳолни, бинобарин, ёш авлоднинг ҳозир ва келажакда соғлом бўлиши учун шароит яратиш зарурлигини ҳисобга олиб оналарга фарзандларини камида 3 ёшга етгунча уйда тарбиялаш имконини бериш керак. Бунинг учун моддий асослар етарли. Ҳозир боласи касал оналарга нафақа тарзида бериладиган маблағнинг ўзи ҳам ҳазилкам эмас.

**— «Орол—88» экспедициясининг (унинг сафида шифокорлар ҳам бор эди) хулосалари Ўрта Осиё республикаларининг пахта экмайдиган зоналарига қараганда пахта экадиган жойларида болалар ўлими, турли касалликлар бир неча баробар кўплигини кўрсатди. Пахта ва болалар ўлими ўртасида қандай боғлиқлик бор? Сиз халқ соғлигини муҳофазаловчи министр сифатида бу масалага қандай қарайсиз?**

— Мен ўзим қишлоқда туғилиб ўсганман. Пахтанинг фойдасини ҳам, заҳматини ҳам яхши биламан. Пахтачиликни ривожлантириш борасидаги номувофиқликлар туфайли эл саломатлигини сақлашга қаратилган ишлар издан чиққанини тан олмаслик мумкин эмас. Пахтакорга эътибор сусайди. Унинг машаққатлари, саломатлиги, дастурхони, ризқ-насибаси тўғрисида дурустроқ ўйланмади ҳам. Айниқса, пахтакор аёлларимизга қийин бўлди. Ичимлик сув танқислиги, канализация йўлга қўйилмаганлиги, ҳаммомларнинг етишмаслиги, заҳарли пестицидлар, минерал ўғитлардан пала-партиш фойдаланиш вазиятни баттар мушкуллаштирди. Буларнинг ҳаммаси халқ саломатлигида ўзининг нохуш асоратларини қолдирди. Қишлоқ аҳолиси орасида юрак-томир, ошқозон-ичак, нафас олиш органларининг касалликлари, модда алмашинуви билан боғлиқ хасталиклар, камқонлик ва бошқа юқумли дардлар кенг тарқалди.

Пахта етиштириладиган жойларда бошқа экономик районларга нисбатан касаллик кўп. Шунга қарамай, кейинги 10—15 йил ичида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган медицина ёрдами сифатида жиддий ўзгариш бўлгани йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш тўғрисида кўп гапирилди, аммо бу муаммони замонавий техника базасисиз ҳал қилиш мумкин эмас.

Республика соғлиқни сақлаш министрлиги қишлоқ табобатининг муҳим муаммоларини ўрганиб, деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини муҳофазалаш ишини зудлик билан яхшилаш чораларини белгилади. Қишлоқ аҳлига хизмат қиладиган шифохоналар, амбулаторияполиклиникалар, фельдшер-акушерлик пунктлари ва бошқа тиббий муассасалар қуриш, уларни замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни ривожлантириш, врач ва ўрта медицина ходимлари танқислигини бартараф этиш тадбирлари шулар жумласидандир.

**— Таниқли олимлар, мутахассислар ва адиблар регионимизда экологик вазиятни соғломлаштириш, бинобарин, Оролни асраш ва халқнинг социал-иқтисодий аҳволини яхшилаш учун пахта майдонларини қисқартиришни таклиф этмоқдалар. Пахта майдонлари камайса саломатликни издан чиқарувчи заҳарли моддалар ишлатиш ҳам камаяди. Иккинчидан, пахта майдонлари қисқарадиган жойларда чорвачилик ривожланса халқ истеъмол қиладиган гўшт-сут маҳсулотлари кўпаяди. Яъни регионимиз аҳолисида оқсил етишмаслиги, бунинг оқибатида келиб чиқадиган камқонликнинг олди олинади. Мана шу икки фактор халқ саломатлигини яхшилашда қандай истиқболлар очади? Шу йўлдан борганимизда халқимиз соғлигида туб ўзгаришлар бўлишига ишонасизми?**

— Сон жиҳатидан ошиб бораётган республика аҳолисининг иқтисодий эҳтиёжларини, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ҳадеб пахтага зўр беравермаслик кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Илм-фан ютуқлари ва уста деҳқонларнинг бой тажрибаларига суяниб пахта яккаҳокимлигига барҳам берилса бордонда дон, хумда гўшт-ёғ, дастурхонимизда ширмой нону ўлкамиз қуёшида тобланиб етишган барча нозу неъматлар бўлишига ишончим комил. Шу йўл билан тўқчиликни таъминлаш, турли-туман ноз-меъматларни кўпайтиришга эришиш халқимизнинг фароғатда яшашига, соғлом ва баркамол бўлишига имкон яратади.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган пестицидлар ва минерал ўғитларга келсак, уларнинг инсон саломатлиги учун нақадар зарарли экани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонда бугунга келиб ҳар гектар ерга ўртача 16 килограмм, баъзи жойларда эса 20—25 килограммдан пестицид ишлатилмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мамлакат бўйича ўртача 3 килограммни ташкил этади. Демак, бу муаммо республикамизда ўта муҳим бўлиб турибди. Шу муносабат билан биз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳеч кечиктирмасдан республикада ишлатилаётган пестицидларнинг 10 процентини, яъни энг заҳарли турларини ман этиш, яқин икки йил ичида ўртача заҳарли ҳисобланган турларини ҳам қўллашни тўхтатишни талаб қиламиз. Бунга эришиш учун реал имкониятлар мавжуд.

**— Редакциямизга келаётган кўплаб хатларда врачларнинг уқувсизлиги, илм савиясининг пастлиги ҳақида танқидий мулоҳазалар кўп. Шифокорнинг хатоси, нотўғри диагноз қўйиши, ноўрин муолажа туфайли ҳаётдан кўз юмганлар ҳам кам эмас. Сиз шифокорларимизнинг савияси ҳақида қандай фикирдасиз?**

— Ҳар касбда бўлганидек, таассуфки, шифокорлар орасида ҳам ўз касбини пухта эгалламаган, бу соҳага тасодифан кириб қолган кишилар йўқ эмас. Очиқ айтиш керак, узоқ йиллар давомида ўқитиш савиясига ҳеч ким эътибор бермади. Ўрта мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам шундай бўлди. Халқимизда «Саводсиздан эмас, чаласаводдан қўрқ», деган нақл бор. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги турғунлик йиллари йўл қўйилган хатоларни тузатиш чораларини кўрмоқда.

**— Санджалол Маҳмудович, охирги саволимиз шундай: яқинда Фарғона областида бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар муносабати билан матбуотда гоҳо бир-бирини инкор этувчи маълумотлар ҳам учрамоқда. Масалан, аксарият хабарларда ёшлар ёппасига наша чекиб олган деган гаплар бор. Сиз Фарғона воқеалари айни авж олган кунда ўша жойда бўлдингиз. Шу гап тўғрими?**

— Шахсан мен ёппасига ёшларнинг ҳаммаси ҳам наша чекиб олган деган фикрга қўшилолмайман. Буни медицина экспертизаси хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Аммо Фарғона воқеалари тўғрисидаги баъзи дастлабки маълумотлар шундай фикр уйғотган эди. Ва бу албатта эътирозларга ҳам сабаб бўлди.

Биз Фарғонада юз берган воқеалар замирида водийнинг жуда катта социал масалалари билан бирга экология ва халқ саломатлиги билан боғлиқ дардларини ҳам кўриб турибмиз. Бу борада ҳам узоқ йиллар мобайнида йиғилиб келган жиддий муаммолар йўқ эмас. Ҳозир уларни зудлик билан бартараф этиш йўллари изланмоқда.

---

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «МАЪНАВИЯТ БОҒИ СЎЛМАСИН»

Газетанинг шу йил 6 январь сонида эълон қилинган Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Қурбоновнинг «Маънавият боғи сўлмасин» мақоласида Самарқанд область Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек давлат драма ҳамда опера ва балет театрлари ҳақидаги танқидий мулоҳазалар Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида ўрганиб чиқилди. Мақолада келтирилган далиллар асосан тўғри.

Дарҳақиқат, Ҳ. Олимжон номидаги область драма театри «давр талабига жавоб берадиган ўз биносига эга эмас», сўнгги йилларда унинг саҳнасида «бадиий кашфиёт даражасида биронта ҳам спектакль саҳналаштирилмаган». Бунинг асосий сабабларидан бири театрда бош режиссёр йўқлигида. Гарчанд сўнгги уч йил давомида ушбу лавозимга беш киши тавсия этилган бўлса ҳам, афсуски, уларга театр шароити тўғри келмади. Ҳозир театрга юбориш учун тажрибали, юқори савияли режиссёр топиш ниятидамиз.

Бино масаласига келсак, ўз вақтида театр учун янги бино қуриш ҳақида қарор қабул қилинган, пойдевори ҳам битган эди. Лекин 1981 йили юқори ташкилотлар қарорига биноан қурилиш тўхтатилди. Ўтган давр мобайнида лойиҳа ҳам, сметалар ҳам маънан эскирди. Театр учун янги бино қуриш, лойиҳа-сметаларни қайта кўриб чиқиш шарти билан, XIII беш йиллик планига киритилаяпти.

Маданият министрлиги имконият борича театрларга, шу жумладан, Ҳамид Олимжон номидаги театрга ҳам ҳар йили моддий-техника воситалари бериб туради. Аммо шу вақтга қадар электрик мутахассиси бўйича министрликка илтимоснома юборилмаган. Бундай мутахассислар ҳунар-техника билим юртларида тайёрланади.

Репертуар масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам, илгарилари театрлар репертуарига, шу жумладан, Самарқанд театрига ҳам, бирор сана ёки баъзи муаллифлар юбилейлари муносабати билан мажбурий равишда асарлар киритилар эди. Сўнгги йилларда бундай ҳолларга чек қўйилган. Ҳамма театрлар қатори, бу театрга ҳам министрликнинг репертуар-редакцион коллегияси ўзларида мавжуд янги асарларни тавсия қилади, холос. Асарни репертуар планига киритиш ёки киритмаслик театр бадиий кенгаши ва коллектив ихтиёрида. Бу йилдан бошлаб, театрларнинг янги хўжалик шароитида ишлашга ўтишлари муносабати билан барча масалаларни ҳал қилишда уларга катта ҳуқуқлар берилаяпти.

Мақола муаллифининг Самарқанд опера ва балет театри ҳақидаги фикрларига қўшиламиз. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда саҳна безаклари эскириб қолганлиги натижасида, газетада келтирилган миллий опералар театр саҳнасидан тушиб қолган. Театрда ишлаётган 177 мутахассисдан 46 киши махсус олий маълумотга, 19 киши махсус ўрта маълумотга эга, лекин миллий кадрлар етишмайди. Театр маъмурияти ва бадиий кенгаши мавжуд камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари устида иш олиб бораяптилар. Репертуарни кенгайтириш мақсадида яқинда И. Штауснинг «Кўршапалак» опереттаси саҳналаштирилди. Театр музикали драмалар саҳналаштиришни ҳам мўлжаллаяпти. Бу йил М. Ашрафийнинг «Дилором» операси, кейинроқ бошқа ўзбек опералари ҳам театр репертуаридан ўрин олади.

**Т. ШАМСИЕВ,**
Ўзбекистон ССР маданият министрининг ўринбосари

---

## ШИКОЯТ ЙЎЛЛАГАН ЭДИНГИЗ

Редакциямиз почтасига келаётган хатларнинг учдан бир қисмини шикоятлар ташкил этади. Шикоятда қайд этилган масалани адолат билан ҳал этишда биз жойлардаги партия, совет, касаба союз, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа ташкилотларга таяниб иш юритамиз.

Жойлардан келаётган расмий жавобларнинг бир қисми газетада эълон қилиб борилмоқда, айрим хатлар босилмаса ҳам, хат юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Қашқадарё область Қамаши районидан Абдурайим Ҳайитов шундай ёзади:

— Қишлоғимизда ўрта мактаб йўқ, болалар қўшни қишлоқдаги мактабга қатнайдилар. Йўлларимиз қишда лой, ёзда чанг ва тупроқдан кўз очиб бўлмайди. Қишлоғимизга автобус қатнови мунтазам йўлга қўйилган эмас. Хонадонларни газлаштириш, болалар боғчаси, ҳаммом каби кундалик ҳаёт учун зарур объектлар йўқ, бундай қулайликлар ҳақида орзу қиламиз, холос. Билмадик, қачон орзуларимиз ушларкин.

Ушбу хатга халқ депутатлари Қамаши район Совети ижроия комитети раиси Р. Бозоров шундай жавоб йўллаган: «Ушбу шикоятда йўл қурилиши, социал, маданий-маиший соҳадаги камчиликлар тўғри танқид қилинган. 1989—91 йилларга мўлжалланган программа «Қорабоғ» совхози хўжалик активи йиғилишида кўриб чиқиб, тасдиқланди. Унда ҳар бир қишлоқда социал ва маданий соҳада амалга ошириладиган ишлар аниқ кўрсатилган. «Маданият» қишлоғигача бўлган 5 километрлик йўл қурилиши, 1991 йилда 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши планлаштирилди».

Булар бари яхши хушхабар, лекин планда мактаб қурилиши ҳақида гап йўқлиги кишини ҳайрон қолдиради. Ахир А. Ҳайитов мактубини бир ўзи эмас, бутун қишлоқ аҳли номидан ёзиб, қишлоқда мактаб йўқлигидан зорланган эди-ку! Болаларга ғамхўрлик мактаб қурилиши ва илм олиш учун етарли шарт-шароит яратишдан бошланмайдими!

Янгийўл шаҳридан келган мактубга 20 га яқин ота-она имзо чекишган. Хатда ёзилишича, 15-ўрта мактабда ўқишўқитиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Мактабда дарслар икки сменада тиғиз ўтказилади, хоналарда 35—44 тадан бола ўтиради. Рус тили, чет тили каби дарсларни бўлиб ўтиш учун шароит йўқ. Шароит йўқлиги учун жисмоний тарбия ва меҳнат дарслари бир неча муддат ўтказилмади. Ошхона йўқлиги учун болалар танаффус пайтида катта кўчанинг нариги томонидаги магазинга боришади. Ёзаверсак, бу ерда камчиликлар жуда кўп...

Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими мудири Р. Зинурова ота-оналарнинг шикояти юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

— Ҳақиқатда ҳам Охунбобоев номидаги мактаб биноси ҳозирги давр талабига мутлақо жавоб бермайди. Шу сабабдан 1251 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси қурилиши планлаштирилган. Ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун «АПЗ—1,2» тайёрланган, лекин мактаб қуриладиган территорияда канализация системаси бўлмаганлиги сабабли лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш бир йилдан бери тўхтатилиб турибди. Бу масала бўйича шаҳар ижроия комитети архитектура ва қурилиш бўлими шуғулланмоқда.

Демак, ҳали-бери мактабда аҳвол ўнгланмайди. Бир йилдан бери ҳаракатсиз ётган ҳужжатларни ким қўзғатаркин? Бепарволик жабрини болалар тортиши керакми? Ҳа демай каникулнинг шодон кунлари ўтиб, янги ўқув йили бошланса, болалар учун яна ўша «эски ҳаммом, эски тос» экан-да!

Сирдарё область Комсомол районидан Қ. Мойсаидова, ноҳақ ишдан бўшатилдим, деб ёзади. Ҳақиқат излаб икки марта район партия комитетига, фойда бўлмагач, область ижроия комитетига бордим, деб ёзади у.

Янгиер шаҳар партия комитети секретари Ю. Дорофеев ёзади: «Текширишдан маълум бўлгач, Мойсаидова ўз лавозимига тикланди ва совхоз директори ҳисобидан ишсиз юрган кунлари учун ҳақ ундириб берилди. Ишда йўл қўйган камчиликлари учун «Первомаец» совхози директори А. Айропетов, кадрлар бўлими инспектори М. Юсупова, бош ветврач Э. Ни партиявий жавобгарликка тортилганлар».

— Ушбу газета кўпларга нажот топишида ёрдам бермоқда, — деб ёзади фарғоналик С. Абдуллаева. — Эрим Фарғона азот ишлаб чиқариш заводида, кейин электр алоқалари соҳасида ишлади. Ишга киришдан аввал Фрунзе массивидаги касалхонада ётди. Шамоллаган деб диагноз қўйишди. Кейин Фарғона шаҳар 1-касалхонасида даволанди. Хуллас, бу ердаги врачларнинг беparволиги туфайли сариқ касалини вақтида аниқлаш ўрнига қандайдир тиф деб гумон қилиб, бизни кўп сарсон қилишди. Наҳотки инсонга муносабатда шунчалар бефарқлик бўлса? Врачлар эътиборсизлиги оқибатида бир инсон ҳаёти хазон бўлди — эрим бевақт ўлди. Врачлар мурдани ёриб кўришиб, инфаркт, ўпка касали, сариқ каби жами олти хил касалликни хулосага ёзиб қўйишибди. Шундай экан, нега у ҳаёт пайтида бу касалликлар аниқланмади. Вақтида даволашса, аниқ диагноз қўйишса, балки эрим ўлмаган бўлур эди.

— Хатда ёзилган фактлар асосан тасдиқланди. Бемор М. Абдуллаевга тўғри даво тавсия этилган. Лекин тўсатдан бошланган кескин инфаркт унинг ўлимига сабаб бўлди, — деб тушунтиради Фарғона область соғлиқни сақлаш бўлими мудири ўринбосари Ё. Рўзиев. — Бемор Абдуллаевга ёрдам кўрсатишда йўл қўйган камчиликлар, муомала ва деонтология маданиятининг пастлиги учун область соғлиқни сақлаш бўлими буйруғи билан врачлар С. Ёқубов, С. Юнаев жазоланди. Мутахассисларга «тез ёрдам» станцияси ходимлари фаолиятини текшириш, натижаларига қараб станция мудири А. Жўраев ўз ўрнига муносибми ёки муносиб эмаслиги масаласини аниқлаш топширилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин бу ўринда гап кимгадир қандай жазо кўрилишида эмас. Меҳнаткашлар хатлари эътиборсиз қолмаслигига, хатда кўтарилган масала юзаки ёки бир ёқлама кўрилишига йўл қўйилмаслигига эришишимиз лозим.

Ўзбекистон ССР прокуратураси, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги редакция йўллаган шикоятларга вақтида муносабат билдириб, у ёки бу масаланинг ечимида ёрдам бераётганини, аммо Бухоро область ички ишлар бошқармаси, Жиззах район ички ишлар бўлими, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Қашқадарё область прокуратураси, Жалолқудуқ район партия комитети ва бошқа айрим ташкилотлардан вақтида расмий жавоб хатлари олинмаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Тошкент область Калинин районидан хат йўллаган Д. Ўролов бундай ёзади: «Редакция менинг шикоят хатимни республика прокуратурасига юборган эди. Орадан анча вақт ўтди. Лекин ҳеч қандай жавоб йўқ».

Чиндан ҳам биз газетхон хатини текшириш учун тегишли ташкилотларга жўнатамиз. Аммо ҳамма ташкилотлар ҳам редакция сўровига ва меҳнаткашларнинг шикоят хатларига вақтида тегишли чора кўрмаётирлар. Бу эса меҳнаткашларни ҳақли равишда ранжитмоқда. Ҳар бир хат ортида инсон ва унинг тақдири борлигини унутмаслигимиз зарур. Ёрдам сўраб мурожаат қилган кишиларга вақтида ёрдам қилиш, жойларда рўй бераётган адолатсизликни бартараф этиш тегишли ташкилотларнинг асосий вазифасидир. Редакция эса ўзи текширишга жўнатган хатларнинг натижасини ҳамиша назорат остига олиб боради.



Иноқлик. А. ИКРОМОВ суратга олган

---

*ЎТМИШ ҲУЖЖАТЛАРИ*

## «ТАНҚИД» ДУШМАН ИЗЛАГАНДА

«Бир мунча кунга чўзилган бу мажлис натижаси шуни кўрсатдики, академик театрнинг собиқ директори халқ душмани Зиё Саид ўз ёнига Чўлпон, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус ва Миён Бузрук[1] каби ашаддий миллатчи халқ душманларини тўплаб театрда зимдан қўпорувчилик ишлари олиб борган...

Душман Зиё Саид ўз ёнига Аброр Ҳидоятов, Муҳсин Ҳамидов, Жавод Обидов ва Қудрат Хўжаевларни тўплаб, уларни талантли режиссёр ўртоқ Виттга қарши курашга даъват қилади. Зиё Саиднинг даъватига жон-диллари билан қўшилган бу каллаварамлар турли йўллар билан режиссёр Виттга қарши курашадилар ва уни театрдан чиқиб кетишига муваффақ бўладилар...

Халқ душмани Усмон Носирга троцкийчи — авербахчи Киршоннинг «Улуғ кун» асари таржима қилдирилади ва саҳнага чиқарилади. Чўлпон, Ғулом Зафарий каби душманлар биладиларки, улар номи қайд қилинган асарлардан меҳнаткаш халқ жирканади. Шунинг учун улар ўз асарларини Аброр ва бошқаларнинг исмлари билан, яъни шуларники қилиб майдонга чиқармоқчи бўлганлар. Мажлисларда «Менинг қўлимдан дуғойи салом ёзиш ҳам келмайди», деб юрган Аброр Ҳидоятов бирданига театрга «тарихий» бир мавзуда бутун бошли бир пьеса тақдим қилади. Бу пьеса ўқилмасдан илгари Зиё Саидлар томонидан ижобий баҳо берилади, ҳаммага мақталади. Бироқ, мажлисда аниқланишига кўра пьесани Аброр Ҳидоятов эмас, балки халқ душманлари Чўлпон билан Ғулом Зафарийлар ёзган эканлар. Ҳозир бу пьеса шубҳали бўлгани учун у саҳнага қўйилишдан тақиқланди. Шунингдек, артист Раҳимовнинг халқ душмани Чўлпон билан яқиндан алоқаси бўлганлиги ҳатто Чўлпон Москвадан қайтганда унга телеграмм берилганлиги ва Раҳимов Чўлпонни вокзалда иззат-икромлар билан кутиб олинганлиги фош қилинди. Олим Хўжаев, Шоҳидахоним ва бошқаларнинг миллатчи, аксилинқилобчи Файзулла Хўжаев билан маҳкам алоқада бўлганларини ва шунингдек, Ҳамидулло Солиҳов, Файзиев ва Тожизодаларнинг душман Қориев[2] билан бирга театрларда қилғон бузғунликлари охириғача фош қилинмаётғанлиғини таъкидлаб ўтди.

Ленин нишонли «Ҳамза» театрида соғлом ёшлар таланти бўғилган. Бунга Шукур Бурҳонов, Табибуллаевлар очиқ шоҳид бўладилар. Театрда буларга ўхшаган ўсиб келаётган талантлар жуда кўп, бироқ уларга ғамхўрлик қилиш ўрнига, уларни ҳар тарафлама сиқиш давом этган. («Ғолиб», «Ҳамза» театрида «душман найранглари», «Ёш ленинчи», 1937, 24 август).

---

**1. Миён Бузрук Солиҳов (1892—1938) — ўзбек совет адабиётшуноси ва театршуноси. 20-йиллар Туркия дорилфунунини битириб САГУнинг шарқ факультетида дарс берган (1927-1931). Тил ва адабиёт институтида ишлаган, «Бедил», «Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш» (1930), «Сўфизода ва унинг ижоди» (1934), «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» (1935) китобларининг автори.**

**2. Босит Қориев — Ўзбекистон ССР Санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи, таниқли санъат арбоби, Ўзбекистон театр жамиятининг ветерани Раҳим Мажидовичнинг айтишича, у киши 1937 йил Акмал Икромов тарафдори сифатида репрессия қилиниб, партия XX съездидан кейин оқланган.**

●

«...Совет студентлари Усмоновнинг олдига келишиб, миллатчи Носировнинг бундай разил, реакцион шеърларининг нашр этилиши сабабларини тушунтириб беришларини сўраганларида, Усмонов уларни ўз хонасидан ҳайдаб чиқарган. Шу Усмоновнинг ўзи буржуа миллатчилари Элбекка[1] турлича ҳимоячи устун бўлиб келган. Усмонов ҳар қадамда Элбекни «совет шоири» қилиб кўрсатишга жонжаҳди билан уринди. У ҳатто Элбекни партияга ўтказишга ҳам уринди. Бошқа бир халқ душмани, фашизм агенти Отажон Ҳошимов бўлса миллатчи Ойбекка ҳайкал қўйишни таклиф қилди... Миллатчиларнинг жонажон дўсти, уларнинг махфий мухлиси Уйғун ўзининг «Ўзбекистон совет поэзияси» номли ёзма докладида фашизм агенти ва жаллоди Бухарин установкасини олиб кирди. У бу докладида босмачи Алавийни,[2] миллатчилар онаси Чўлпонни ва ўзининг содиқ шогирди Усмон Носирни кўкларга кўтарди...

---

**1. Элбек (Машриқ Юнусов, 1899—1939) — шоир, фольклорист, «Армуғон» (1923), «Баҳор» (1929), «Шеърлар» (1934), «Болалар қўшиғи» (1936) китоблари ва айрим луғатлар муаллифи.**

**2. Алавий Абдулла (1903—1931) — ўзбек совет шоири ва адабиётшуноси, 1924—1927 йиллар Ленинград Шарқ тиллар институтида ўқиди ва шу институтда ўзбек тилидан дарс берди. 1928—1931 йиллар Самарқанд Педакадемиясида ўзбек адабиётидан дарс берган.**

●

Уйғуннинг бошқа сафдоши бўлган Ҳомил Ёқуб халқ душманлари бўлган буржуа миллатчиларининг асарлари ва уларнинг контрреволюцион ғояларини тарғиб қилишда «Совет адабиёти» журнали саҳифаларидан фойдаланди. Ҳомил Ёқуб ўз мақолаларидан бирида контрреволюционер Чўлпоннинг «Куз» шеърига қойил қолади. Ёқубов ҳатто «Чўлпонда узоқ муддатли ижодий танаффусдан сўнг ўзгариш ва олға силжиш сезила бошлади, бу эса уни янги ҳаётий йўлга ўтишига замин ҳозирлади» — деб ҳисоблайди. Уйғун ва Ҳомил Ёқуб халқ душмани, буржуа миллатчиси Чўлпонни сал бўлмаса социализм шоири қаторига қўйишга қадар тубанликка бордилар.

...Жосус Зиё Саидов[1] ҳатто миллатчи Усмон Носир билан ҳамкорликда троцкийчи Киршоннинг «Улуғ кун» номли зарарли пьесасини таржима қилиб, академик театр саҳнасида қўйишга қадар эришди. Зиё Саидов Киршонни кўкка кўтариб, мадҳ қилди...

...Буржуа миллатчиларининг бошлиғи (А. Икромов — **Ш. Т.**) ўз докладида (Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзида қилган докладида — **Ш.Т.**) Насриддин афандини идеаллаштиришди ва домла Насриддин латифаларини нашр қилишга кўргазма берди. Пантуркист Ғози Юнус М. Ҳасан «раҳбарлиги» остида ўз хўжайини топшириғини бажариб Насриддин номидаги халқимизга тамомила туҳмат ва Совет ҳукумати ҳам ёш ўзбек адабиётига қарши руҳдаги латифаларни тўплаб тарқатди.

...Буржуа миллатчиларининг «олий ҳомийси» бўлган Акмал Икромов[2] Рашид Тоҳирий каби миллатчиларнинг ҳақиқий башарасини фош этувчиларга дағдағали равишда ташланди. Халқ душмани А. Икромовнинг ғазабига биринчи бўлиб ёш комсомол шоири Насрулло Охундий учради. У адабий ишлардан четлаштириб қўйилган эди. Ва фақат миллатчилар фош қилингандан кейин у эндигина янгитдан Ўзбекистон Совет ёзувчиларининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўла олди.

(Ш. Туйғун.[1] Разоблачить до конца, «Литература и искусство Узбекистана» (ж.), Тошкент, 1937, кн—4—5, стр. 96—99).

---

**1. Зиё Саид (1901—1938) — ўзбек совет драматурги, актёри, журналисти. У «Қонли кун» (1926), «Тарих тилга кирди» (1931), «Офат» (1935) каби драмалар ва «Пролетариат ҳам адабиёти» (1930), «Янги турмуш учун кураш» (1930) китобларининг муаллифи.**

**2. Акмал Икромов (1887—1937) — 1919 йилдан КПСС аъзоси, 1925-37 йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.**

**1. Маориф ва меҳнат ветерани Сиддиқ Асқаровнинг бизга берган маълумотига кўра, 1937 йил 7—8 апрелда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи мажлисида Чўлпон Ш. Туйғуннинг шеърлари бадиий жиҳатдан бўш тўпламини бостиришга шошилмай ўз устида ишлашни тавсия этганлигини сўзлаган эди. (ЎзССР Марказий Давлат архиви фонди. 2356. опись I. Архив хран., 29).**

Адабиётшунос Шерали ТУРДИЕВ тўплаб нашрга тайёрлаган

